



Ватанпарварликнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари

Sh.U. Umarov

Shimoli-G'arbiy harbiy okrug kadrlar bo'limi boshlig'i,
+998900294008
sh900294008@gmail.com

Annotatsiya

Ушбу мақолада Ватанпарварликнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, Ватанпарварлик ўртасидаги диалектик боғлиқлик, Ватанпарварлик билан, экзистенциал моҳиятига кўра бир бирига яқин воқелиklar, Махсус идеологик ва маърифий омиллар таъсирида шакллантириладиган ғоявий кадриятлар ҳақида маълумотлар келтирилди.

Kalit so'zlar:

Ватанпарварлик, махсус идеологик, экзистенциал моҳияти, маънавий, ахлоқий феномен, ватанпарварлик туйғуси.

Ватанпарварликнинг алоҳида маънавий ахлоқий феномен эканини очиб беришдан аввал улар ўртасидаги диалектик боғлиқлик ва фарқлар ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Ватанпарварлик ўртасидаги диалектик боғлиқлик, уйғунлик, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда акс этади: биринчидан, ватанпарварлик умумий ижтимоий, миллий маконда намоён бўладиган ҳодисалар сирасига киради. Бу маконни шахс туғилганидаёқ тайёр топади. Бироқ бу унинг мазкур маконга ижодий, креатив муносабатда бўлишини рад этмайди. Махсус идеологик ва маърифий омиллар таъсирида шакллантириладиган ғоявий кадрият ҳисоблансада, у бўш жойда пайдо бўлмайди. Агар ватан, эл, юрт бу ғурур учун ижтимоий макон ҳисобланса, демак, учун шундай макон зарур. Бу маконни ватан билан айнанлаштириш ҳам мумкин. Ватан эл, юрт, миллат яшайдиган ижтимоий макон тарзида, шаклланишининг энг муҳим шарти, кафолати ҳисобланади. фақат “ватан” деб аталадиган, халқ, миллат яшайдиган, шахс мавжудлигини ва борлигини белгилаб келадиган ижтимоий маконда пайдо бўлиши мумкин.

Иккинчидан, ватанпарварлик этномаънавий омиллар таъсири маҳсулидир. Халқ, миллат томонидан яратилган маънавий ахлоқий кадриятлар, айниқса ватанпарварлик, аждодлар қолдирган маънавий мерос ва бойликлар билан фахрланиш, ўзини миллати вакили эканидан мағурурланиш, уни ёт қарашлар хуружидан ҳимоя қилишга тайёрлик, шайлик қабилар изчил маънавий тарбия таъсирида шаклланади. Этномаънавий кадриятлар шахсга ўзлигини англаш имконини беради. Ўз халқи, миллатини англаш кетидан ўзликни англаш келади.

Халқи, миллатини англамай ўзликни англаш мумкин эмас, чунки шахс учун аввало ўзининг туб негизини, онтологик моҳиятини белгилаб келувчи асосни билиши зарур. Ўзликни англаш индивидуал воқелик бўлиб қололмайди, у ўзидан кенг воқеликка, яъни халқ, миллат поғонасига кўтарилиши, ана шу субъектлар орқали ўзини идрок этиши керак. Шунинг учун этномаънавий омиллар ичида этник идентификация масаласи етакчи ўринда туради. Учинчидан, ватанпарварлик халқни, кишиларни умумиллий манфаатлар, гоёлар ва мақсадлар атрофида бирлаштирувчи кучга эга. Уларнинг иккаласи ҳам юксак, олийжаноб, фидойиликка ундайди, шахс улар орқали ўзини ижтимоий куч, бирликка дахлдор субъект эканини идрок этади. Бу ҳодисани К.Г. Юнг шахснинг “жамоага трансформацияси”, деб атаган эди¹. Ватанпарварлик билан, экзистенциал моҳиятига кўра бир бирига яқин воқеликлар бўлса да, улар ўртасида маълум бир фарқлар ҳам мавжуд. Биринчидан, алоҳида ижтимоий ахлоқий феномен сифатида шаклланмаган пайтларда ҳам ватанпарварлик бўлган. Масалан, Тўмариснинг ватанпарварлиги миллий туйғусиз, аммо умумэтник, умумқавм мақсади ифодаси эди. Демак, ватанпарварлик туйғуси аввал шаклланган, миллатларнинг тарих саҳнасига чиқиши билан эса масаласи ҳам юзага келади. Бу даврни тарихчилар, этнологлар асосан XVI-XVII асрлардан кейинги ижтимоий тарихий босқичлар билан боғлашади. Шунинг учун ватанпарварликни учун базавий қадрият сифатида тушунмоқ керак. Ватанпарварлик туйғуси мавжуд шахсда ни топиш қийин эмас. Бугун улар бир бирига ўтиш, диалектик таъсир этиш имконига эга воқеликлар сифатида қаралади. Иккинчидан, ватанпарварлик турли этнопсихологик омиллар маҳсули, натижаси ҳисобланади. Ватанпарварлик асосан “юрт”, “ота макон”, “она ватан” каби ижтимоий жуғрофий тушунчалар орқали идрок этилади. Эса маълум бир миллатга мансубликдан фахрланишни тақозо қилади. Миллат яратган артефактлар, маданий бойликлар, тили, ёзуви ва тарихи, ўтмиши шахсда фахр ҳиссини уйғотиши керак. Миллий манфаатларга йўналтирилган фаолият, фаолликнинг объективлашганидан дарак беради. Миллат ва унинг тараққиёти учун ғурур туйғусининг ўзи эмас, балки унинг реал муносабатларга айлангани, ижтимоий борлиқни такомиллаштиришга қаратилган амалларда объективлашгани муҳимдир. Учинчидан, ватанпарварлик билан туйғуси ўртасидаги нисбий фарқларни мутлақлаштирмаслик керак. Улар ўртасидаги психологик ва когнитив хусусиятларга эга фарқлар уларни диалектик уйғунликда қарашга ҳалақит бермайди. Уларнинг субъекти битта инсон. Ватанини ва миллатини севадиган, улар равнақиға, тинч, осуда яшашиға ва эволюцион ривожланишиға хизмат қилишға тайёр инсондир! Хўш, нима учун ватанпарварликни алоҳида маънавий ахлоқий феноменлар деб атаймиз? Бунинг ижтимоий фалсафий моҳияти нималарда акс этади? Ватанпарварлик шунчаки туйғу, муносабат эмас. У инсон фаолияти, фаоллигининг бошқа кўринишларидан фарқ қилувчи, ҳатто уларни ўз синтезидан ўтказувчи алоҳида воқеликдир. Ушбу алоҳидалик ватанпарварликка ноёблик, ўта муҳимлик, улғуворлик ҳатто сирлилик бахш этади. Ватанпарварлик қуйидаги жиҳатлари ва

¹ Юнг К.Г. Душа и миф: шесть архетипов. Москва Киев: Порт Рояль Совершенство, 1997. С.257 259

ижтимоий функциялари билан бошқа воқеликлар (фаолият ва фаоллик турлари)дан ажралиб туради:

Ватан бетакрордир. Ушбу бетакрорлик ватанпарварлик туйғусини ҳам бетакрор, изохлаш қийин қилади. Шахсда икки ёки уч ватан бўлмайди, у мудом битта. Халқ ибораси билан айтганда “Инсон киндик қони тўкилган жой унинг ватани. У иккита бўлмайди”. Тўғри, кейинги йилларда бу тушунчада, тасаввурда трансформация кузатилади. Глобллашув, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси ватан ва ватанпарварлик тушунчасига маълум бир ўзгаришлар киритмоқда. Бугун ватандошларимиз АҚШ ва Европадаги илғор давлатларда яшашади, ишлашади, ўша давлатларги фуқаролар билан оила қуришган. Бу миграция жараёнлари ватан ва ватанпарварлик тушунчаларига таъсир этмай қолмайди, албатта. Бироқ унутмаслик керакки, ўша юртдошларимиз “ўз киндик қони тўкилган” Ўзбекистонни она ватани деб билади, ўзининг миллати ўзбек эканиданг ғурурланади. Улар Ўзбекистондан узоқда яшашаётган ва туб аҳоли менталитети, этномаданий қадриятлари, турмуш тарзини ўзлаштиришган бўлишса да, она ватанидан мутлақ воз кечишган эмас. Миллий онгдан жой олган ва бутун борлиғига айланган этноанъаналар, менталитет, турмуш тарзи умри бўйи уларни етаклаб юришини, ўтган асрнинг 20 30 йилларида юртидан қочиб кетишга мажбур бўлган бугун туркиялик, покистонлик, афғонистонлик ўзбеклар ҳаёти, хотиралари, кечинмалари исботлайди. Деярли бир асрдан кўп ўтган бўлса да, улар оана юрти Ўзбекистонни унутишмаган, уни мудом соғиниб яшашган. Улар учун ватан битта, у Ўзбекистон! Ватаннинг бетакрорлигини исботлашга ҳожат йўқ. Бу туйғу инсон қалбида она сути орқали шаклланади.

Адабиётлар:

1. Лермонтов М.Ю. Танланган асарлар. 1 том. Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955. 218 б.
2. Налчаджян А.А. Этнопсихология. 2 издание. СПб.: Питер, 2004. С.138 139.
3. Платон. Сочинения в трех томах Т.3. Москва: Мысль, 1983. С.387 389, 399
4. Ушаков В. Идея для себя // Современная этнопсихология. Хрестоматия. Минск: Харвес
5. Фукуяма Ф. Сильное государство. Управление и мировой порядок в ХХ1 веке. Москва: АСТ Хранитель, 2006. С.4 5
6. Юнг К.Г. Вспоминания, сновидения, размышления. Москва: ООО Изд. АСТ ЛТД, Львов: Инициатива, 1998. С. 358 360